



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
HUZURIDAGI X.SULAYMONOVA NOMIDAGI  
RESPUBLIKA SUD EKSPERTIZA MARKAZINING  
SUD-EKSPERTLIK ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

**O'ZBEKISTONDA SUD-EKSPERTIZASINING  
DOLZARB MUAMMOLARI VA ULARNING  
ILMIY-INNOVATSION YECHIMLARI  
MAVZUSIDAGI**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**



27 27-oktabr



Toshkent - 2022

**O‘zbekistonda sud ekspertizasining dolzarb muammolari va ularning ilmiy-innovatsion yechimlari mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari // Mas’ul muharrir: A. U. Xalilov. X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi direktori. – Toshkent, 2022. – B. 402.**

**Mas’ul muharrir:**

**Xalilov A.** X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi direktori

**Tahrir hay’ati:**

**Qolqanov N.** X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazining Sud-ekspertlik ilmiy-tadqiqot instituti direktori

**G‘ofurjonov A.** X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazining Sud-ekspertlik ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi

**Taqrizchilar:**

**Mamatxonov A.** O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O‘simlik moddalari kimyosi instituti yetakchi ilmiy xodimi texn. f.d., professor

**Yugay L.** O‘zbekiston Respublikasi IIV akademiyasi doktoranti, yuridik fanlari nomzodi

**Shakarov U.** siyosiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plamiga Belarus, Ozarbayjon, Qirg‘iziston hamda mamlakatimizning turli hududlarida faoliyat ko‘rsatayotgan sud ekspertlari, huquqshunoslar, siyosatshunoslar, dinshunoslar, psixologlar va tibbiyot sohasidagi olimlar va tadqiqotchilarning sud ekspertizasining dolzarb muammolariga bag‘ishlangan ishlari kiritilgan.

Nashr etilayotgan maqola va tezislardagi ma’lumotlarning haqqoniyligi uchun mualliflar mas’ul hisoblanadi. Ayrim mualliflarning fikri tahririyat fikriga mos kelmasligi mumkin.

Ilmiy ishlar to‘plami sud ekspertlari, huquqshunoslar va shu sohaga qiziquvchilar uchun foydali manbaa hisoblanadi.

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazining 2022-yil 24-noyabrdagi 14/22i-sonli Ilmiy kengash yig‘ilishida ko‘rib chiqilgan va nashrga tavsiya etilgan.

# **SUD EKSPERTLIK FAOLIYATIDA YANGI INNOVATSION TEKNOLOGIYALARNI JORIY ETISH VA AXBOROT XAVFSIZLIGI SIYOSATI**

## **ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ СУД ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ**

*Кудратов Санжар Марупович,*

*Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими  
3-даражали юрист*

*Гофуржонов Ахаджон Хамиджон ўғли,*

*Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими  
3-даражали юрист*

Бутун дунёда ва барча соҳаларда инновацион фаолият жадал ривожланмоқда ва замонавий суд экспертизаси ҳам бундан мустасно эмас. Инновациялар ривожланишга сармоя киритиш ва самарадорликни оширадиган билимларни жорий этишнинг кейинги жараёни натижасидир.

Суд экспертизасининг вужудга келиши нафақат ҳуқуқ фанининг, балки фан ва техниканинг айрим соҳалари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир, чунки суд экспертизаси туркумлари ва турларининг шаклланиши, янги тадқиқот усуллари йирик фан ва техника кашфиётларига асосланади.

Инновация деганда фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган, ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини ёки маҳсулот сифатини сифат жиҳатидан оширишни таъминловчи техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги инновацияларни тушунамиз.

Инновацион жараёнлар суд экспертизаси соҳасига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётига шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини жинойий тажовузлардан таъминлаш соҳасидаги чақириқ ва таҳдидлар, суд экспертизаси ўзининг илмий-техник захирасини мунтазам такомиллаштириш ва тўлдиришни талаб этади. Инновацион технологиялар нафақат суд-экспертлик фаолияти, балки суд экспертизасининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам катта рол ўйнайди.

Суд экспертизаси илмий кашфиётлар ва янги технологияларга асосланган ҳолда, уларни ўзлаштириб, илмий ғояларни муайян эксперт фаолиятида амалий қўлланиладиган натижаларга айлантиради ҳамда суд экспертлик фанининг ривожига ҳам ижобий таъсир қилади.

Умуман олганда фан, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, илмий ахборотнинг доимий ўсиши ва мураккаблашуви, илмий билимларнинг

интеграциялашуви ва дифференциация жараёнлари суд экспертлик ва суд экспертиза фанлари шажарасининг (турларининг) шаклланиши ва ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқори технологиялардан фойдаланиш суд экспертизаларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнларни, бажариш учун вақт, меҳнат ва молиявий-иқтисодий харажатларни камайтириш имконини беради. Шунингдек, суд-экспертиза аҳамиятига эга ахборотни янада самарали, сифатли, энг муҳими, ўз вақтида ва тезкор қабул қилиш, улардан фойдаланиш ва сақлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, суд экспертизасига энг янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш, жараённи автоматлаштириш, хусусан, экспертиза ва суд экспертизаси ишлаб чиқаришда турли мунтазам операцияларни автоматлаштириш, энг мураккаб масалаларни ҳал қилишни ва моделлаштириш имкониятини, жиноятчиларни қидириш имкониятларини кенгайтириши ва мураккаб математик ҳисоблар ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақтини сезиларли даражада қисқартириш ва ўлчовлар, амалиётда тергов ва эксперт хатолари эҳтимолини сезиларли даражада камайтириш каби афзалликлари мавжуд.

Бизнинг фикримизча, инновацион технологиялардан фойдаланишнинг энг истиқболли йўналишларига қуйидагилар киради:

- 3D технологияларни кенг қўллаш: 3D моделлаштириш, 3D сканерлаш;
- КТ (компютер томографияси) виртуал аутопсиядан фойдаланиш.

Инновацион технологияларни қўллашнинг энг истиқболли йўналишлари, бири бу: - 3D технологияларидир.

3D моделлаштириш воқеа жойини виртуал ҳақиқат орқали кейинчалик идрок этиш учун суратга олиш учун ишлатилади. Бунда суд-автотехник, суд-баллистик, трасологик, суд-қурилиш, суд-портрет ва суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш учун кўп давраларда ишлатилиб келинмоқда. 3D моделлаштириш объектларга зарар этказмасдан ўрганиш имконини беради.

3D моделлаштириш усулини қўллашдан мақсад асл объектни унинг ўрганиш учун муҳим хусусиятларини ақс эттирувчи модели билан алмаштириш ва моделнинг ушбу хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишдир.

Бугунги кунда Россия, Беларусь, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Германия, Швейцария, Франция, Буюк Британия, АКШ ва Исроил каби давлатларда 3D моделлаштириш усулидан суд-экспертлик тадқиқотларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Унинг ёрдами билан алоҳида объектлар (масалан, транспорт воситалари) ва ҳар қандай жараёнлар (масалан, йўл-транспорт ҳодисаси ёки

самолёт ҳалокати механизми) буйича симуляция тадқиқоти амалга оширилади.

3D моделлаштириш усули, суд қурилиш, авто-транспорт-йўл, видеотехника, портрет ва бошқа турдаги суд экспертизаларида ҳам қўлланилади.

Мисол учун суд-қурилиш ва техник экспертиза доирасида ушбу технология объект лойиҳаси ва бошқа техник ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам юқори сифатли эксперт тадқиқотларини ўтказиш имконини беради, бу амалиётда жуда кенг тарқалган.

3D моделлаштириш усулининг асосий афзаллиги шундаки, у бевосита воқеа жойидаги сахнани ва ундаги объектларни реконструкция қилиш ва визуализация қилиш бўйича эксперт вазифаларини автоматлаштиришга имкон беради, бунинг натижада эса экспертиза сифати, муддати ҳамда бутун тадқиқот жараёнини сезиларли даражада осонлаштиришга олиб келади ҳамда жиноят содир этишилиши мумкин бўлган жараёнларни олдинини олишга ёрдам беради.

3D моделлаштириш экспертга объектларни кўздан кечириш ҳамда тадқиқот жараёнларида шикаст ҳам зарар этқазмай ўрганиш ҳамда аниқ геометриясини олиш имконини беради.

Воқеа содир бўлган жойни текшириш ҳар қандай эксперт фаолиятининг дастлабки босқичи бўлиб, тадқиқот натижаси из маълумотлари қанчалик тўғри тўпланганига боғлиқ. Лазер технологияси 3D сканерлаш ва ундан кейинги 3D модел билан ишлаш терговчига ҳам, экспертга ҳам воқеа жойига қайтиш имкониятини беради, бу ерда энг кичик излардан тортиб об-ҳаво шароитигача бўлган барча тафсилотларни ўз ичига олади.

3D сканерлаш мукамал, замонавий акс эттириш усули ҳисобланади. Бундай асбоб-ускуналар ўрганиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади ва содир бўлган воқеаларни визуализация қилиш ва юқори сифатли тасвирлаш орқали мутахассисга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

3D сканердан фойдаланганда объектдан 3D сканерлаш орқали уч ўлчамли моделни олиш жараёнидир.

Иккита сканерлаш усули мавжуд бўлиб улар:

1) контактли (сканерда зонд мавжуд, объект айланма йўл билан сканерланади, кейинчалик 3D модели ҳосил бўладиган нуқталарнинг координаталарини олади);

2) контакtsiz усул қуйидагиларга бўлинади:

фаол (3D сканер ўрганилаётган объектни ультратовуш, йўналтирилган ёруғлик манбаи, лазер ёки рентген нурлари билан нурлантиради, шундан сўнг қурилма “сигнал” қайтиш вақтини ҳисоблаб, тизимни ташкил қилади.

пассив (3D сканер рақамли видеокамера ҳисоблиб, тақдим этилган объектни турли бурчаклардан суратга оладиган, унинг ўзини суратга оладиган видеокамера. Бундай сканер фақат юқори контрастли фонда ва яхши ёритишда ишлайди. Тасвирлар дастур томонидан қайта ишланади ва 3D моделга қисқартирилади).

Қўшимча маълумотларни, масалан, иссиқлик-визуал, ультратовуш ёки рентгенологик тадқиқотлар маълумотларини, бинонинг ички металл конструкцияларнинг мавжудлиги ҳақидаги техник маълумотларни ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Натижада, эксперт ўз вақтида. ўрганилаётган объектнинг аниқ, ишлаб чиқилган моделини ишлаб чиқади.

Бундан ташқари, суд-баллистик экспертизаларида ҳам 3D сканерлар ишлатилмоқда. Ўқ ва гилзалар ва уларнинг ён изларининг аниқ кўп тасвирли моделини яратиш орқали эксперт кўз олдига аниқ тасвирни олади.

3D лазерли сканерларнинг яна бир афзаллиги шундаки, улар суд экспертиза тадқиқотларини янги даражага чиқаради, яъни тўлиқ рақамлаштириш орқали мутлақо янги ёндашувни амалга ошириш имконини беради.

3D лазерли сканерлар орқали яратилган моделни эксперт тадқиқот жараёнида унга зарар этқазмай кўп марта ишлатиш орқали, қўшимча ва қайта экспертиза тайинланган ҳолда ушбу моделлардан унимли фойдаланиш имкониятини беради.

Бугунги кунда ўлим сабаблари, касалликлар, жароҳатлар ва бошқа масалаларни аниқлаш учун суд-тиббиёт ва ўлимдан кейинги экспертизаларни ўтказишда тадқиқотларнинг асосий ва ягона усули классик аутопсия (мурдани очиш) ҳисоблиб келинмоқда.

Тананинг ўлимдан кейинги компьютер томография ёки виртуал аутопсия текширув усули Германия, Швеция, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Исроил, Хитой, Япония ва Козифистон Республикаси каби давлатларда ўлим бўйича жиноий ишларни тергов қилиш ва жасадларнинг патологоанатомик тадқиқотлари суд-экспертлик ва суд-тиббиёт амалиётида қўлланиб келинмоқда.

Компьютер томография (ёки виртуал аутопсия)ни Республикамиз суд-экспертлик амалиётига жорий этиш жуда истиқболли йўналишдир, чунки бу усул тўқималарга бевосита жисмоний аралашувни талаб қилмайди ва эҳтимоли мавжуд субъектив хатоларни олдини олади ва патологоанатом ва суд экспертларига имкон қадар тезроқ объектив маълумот олиш имконини беради. Ўлим сабаблари тўғрисидаги маълумотлар билан олинган расмлар виртуал аутопсия, узоқ вақт давомида сақланиши мумкин.

Виртуал-аутоскопия тадқиқот йўналиши бўйича қуйидаги ижобий ечимлар мавжуд:

1) Шахснинг субъектив омили суд-тиббий экспертиза натижаларига таъсири минималлаштирилади. Жасадни ташқи кўриги, ўлимга оид ҳолатлар ва бошқа тиббий муолажалар пайтида хатоликлар ҳамда тадқиқот натижаларини сохталаштириш эҳтимолликлари ҳам минималлаштирилади;

2) Виртуал-аутоскопиянинг асосий афзаллиги жасадни ўрганишда минимал меҳнат талаб қилиши ва рақамли тасвирда жасадларнинг алоҳида элементларини сақлашга имкон бериши;

3) Ўқ отиш, пичоқлаш, пичоқ билан кесиш ва бошқа жароҳатларда яра каналларини визуализация қилиш, ўлимдан кейинги ҳолатни 3D уч ўлчовли реконструкция қилиш, шикаст етказган воситани аниқлаш орқали суд-тиббий идентификациялаш масалаларини ҳал қилиш усулидан фойдаланиш учун ноёб имкониятни беради. Бундан ташқари, ўқ отиш, жароҳатлар ва жароҳатлар натижасида содир бўлган воқеа ҳолатларини қайта тиклаш имконини беради. Шу билан бирга, тергов ҳаракатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шошилиш тарзда бажарилиши лозим бўлган ишларни бажаришда керакли маълумотларни олишда жуда муҳимдир;

4) Техник жиҳатдан танани визуал кўриб, таҳлил ўтказиш қийин бўлган сохаларини (юз скелети, бош суяги, умуртқа ва орқа мия ва бошқа тана аъзолари) батафсил ўрганиш имкониятини бериши;

5) Шахснинг ҳаётлик даврида шикастланиш белгиларини аниқлашда асфикция (бўғилиш), механик шикастланишлар, чўкиш каби ҳолатларни аниқлаб бериши;

6) Тадқиқот жараёнларида (суд-тиббийет экспертлари, шифокорлар, лаборантлар ва бошқа мутахассислар) сил, гепатит, ОИТС ва бошқа хавфли юқумли касалликлар билан касалланиш хавфи сезиларли даражада камайиши;

7) Виртуал-аутоскопия натижалари узоқ вақт давомида рақамли форматда сақланиши мумкин, мурдани эксгумация қилмасдан ва кремация қилинган ҳолларда такрорий экспертизани ушбу сақланиб қолинган маълумотлар асосида ўтказиш имконини беради. Шунингдек, тадқиқот натижаларини турли мутахассислар иштирокида комиссия ва комплекс суд-тиббийет экспертизаларида амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, суд экспертизасидаги инновациялар доираси жуда кенг. Улар бутун суд-экспертиза тизимига кириб боради. Инновацион технологиялардан фойдаланиш суд-экспертлик фаолиятини ва суд-экспертиза фанининг ўзини фан сифатида сезиларли ва сифат жиҳатидан ўзгартиради, уни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар очади, бу эса, ўз навбатида, илгари кўриб чиқилган эксперт муаммоларини ҳал этиш орқали нафақат суд

экспертизаларининг имкониятларини кенгайтира олади ҳамда эксперт хулосаларининг ишончилиги ва далилий қийматини ҳам оширади.

## SUD EKSPERTLIK FAOLIYATIDA YANGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH VA AXBOROT XAVFSIZLIGI SIYOSATI

*Shomaxsudov Shoakrom Shomuratovich,  
O‘zbekiston Respublikasi IIV Ekspert-kriminalistika bosh markazi,  
Raqamli ekspertizalar bo‘limi boshlig‘i*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada hozirgi kunda sud-ekspertlik faoliyatiga yanada keng joriy etilishi lozim bo‘lgan, raqamli ekspertizaning (yangi) yo‘nalishlari, shuningdek, axborot texnologiyalari sohasida sodir etilgan jinoyatlarni ochish va oldini olish bilan birgalikda e‘tibor qaratilishi lozim bo‘lgan axborot xavfsizlik siyosati haqida ma‘lumotlar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar.** Innovatsiya, axborot texnologiyalari, raqamli ekspertizalar, bulutli texnologiyalar, mobil qurilma, axborot xavfsizligi siyosati.

Ma‘lumot shaklini tobora elektron ko‘rinishga almashayotganini inobatga olsak, hozirgi zamonaviy raqamli axborot saqlovchi va tashuvchi vositalarni chuqur tizimli tekshirish yo‘li bilan jinoyatlarni fosh etish va oldini olishda isbot uchun kerakli bo‘lgan ma‘lumotlarni izlab topish dolzarb masalaga aylanadi. Ma‘lumotlarni saqlash, qayta ishlash, yuborishda bir paytlar keng qo‘llanilgan personal kompyuterlarning o‘rnini ulardanda ko‘p tarqalib ommalashgan, o‘zida telefon, kompyuter, internet xizmatlari, messenjerlar, elektron to‘lov tizimlari hamda ko‘ngil ochar dasturlarni jamlagan mobil qurilmalar tobora egallab kelmoqda.



Ularning ko‘pchiligi, o‘z xotiralarida (yoki ularga bog‘langan servis va tizimlarda) jinoyatlarni fosh etish va oldini olishda surishtiruvchi organ, tergov va



## MUNDARIJA

<b>Kirish soʻzlari</b>	
<i>Каримов А.Н.</i> Ўзбекистонда суд-экспертизаси: амалга оширилган ислохотлар ва долзарб муаммолари	3
<i>Хамраев А.Ш.</i> Кириш сўзи. Ўзбекистонда суд-экспертизасининг ҳуқуқий асослари такомиллашуви	7
<i>Халилов А.У.</i> Кириш сўзи. Ўзбекистонда суд-экспертизаси соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш	10
<b>Sud ekspertlik faoliyatining ilmiy-nazariy hamda uslubiy va huquqiy asoslarini takomillashtirish</b>	
<i>Хох А.Н.</i> Алгоритмизация решения типовых задач судебной дендрохронологической экспертизы на примере установления групповой принадлежности и местопроизрастания	15
<i>Джабир А.</i> Приоритетные направления международного сотрудничества в области стандартизации судебно-экспертной деятельности	21
<i>Кишиева А.З.</i> Новая тенденция в организации судебно-экспертной деятельности: международная практика и практика Азербайджанской Республики	29
<i>Халилов А.У.</i> Ўзбекистонда суд экспертизасининг долзарб муаммолари ва уларнинг илмий-инновацион ечимларига оид таклифлар	35
<i>Астанов И. Р.</i> Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш самарадорлиги: муаммо ва унинг ечими	40
<i>Гафуров Ф.Р., Рахмонов Ж.Р.</i> Божхона органлари томонидан ушлаб қолинган контрабанда ашёлари бўйича экспертиза тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари	47
<i>Пулатов Ю., Умаралиев В.</i> Кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асослари	56
<i>Шермаматова М.Ш.</i> Роль зарубежного опыта во внедрении международных стандартов таможенной системе в национальное законодательство Узбекистана	60
<i>Ганиев О. Т.</i> Ўзбекистонда суд экспертизасини ривожлантиришнинг айрим масалалари	71
<i>Қолқанов Н.Т., Нишанова Н.Б.</i> Суд-экспертлик фаолиятида қўлланиладиган усуллар ва уларнинг таснифлари	75

<i>Саитова Н.С., Бахтиёрова С.Б.</i> Одам ДНКси суд-биологик экспертизасига тақдим этилаётган ашёвий далилларни олиш ҳамда кадоқлашда кузатилаётган муаммолар	235
<b>Sud-fonografiya va kompyuter-texnik ekspertizalarining zamonaviy imkoniyatlari</b>	
<i>Панахов Н.Т.</i> Определение последовательности исполнения пересекающих штрихов с помощью компьютерной программы “PROJECT 1”	240
<i>Мусаева А.</i> Вопросы валидации судебно-экспертных методов аудио-и видеозаписи	245
<i>Закурлаев А.К.</i> Рақамли криминалистика: далилларини қайд этиш ва экспертиза ўтказишда пайдо бўлаётган айрим муаммолар	255
<i>Закурлаев А.К., Алимов М.И.</i> Рақамли криминалистик воситаларни тадқиқ этиш зарурати	260
<i>Халилов Н.О.</i> Ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар юзасидан экспертиза ўтказишнинг зарурияти	265
<b>Sud-avtotexnika, sud-ballistika va trasologik ekspertizalarining zamonaviy imkoniyatlari</b>	
<i>Панченя Д.Н.</i> Влияние качества работы специалиста при осмотре автомобильных транспортных средств на выводы судебной экспертизы волокнистых материалов и изделий из них	273
<i>Цгоев В.В.</i> Исследование идентификационных маркировочных обозначений транспортных средств как отдельный вид судебной экспертизы	280
<i>Махкамов М.З.</i> Транспорт-ишқунослик экспертизасининг имкониятлари, муаммолари ва ечимлари	283
<i>Ромаданова Т.А., Мухамеджанова М.М.</i> Avtomashinalarning qismlari va birliklarini yashirin markalash texnologiyalari	288
<i>Ибрахимов К.И., Туракулов Б.Х.</i> Влияние качества рабочей жидкости и её температуры на безотказность гидромеханических передач автомобилей	292
<i>Джурраев А.</i> Методы исследований рабочих тормозных систем легковых автомобилей.	299
<b>Sud ekspertlik faoliyatida yangi innovatsion texnologiyalarni joriy etish va axborot xavfsizligi siyosati</b>	
<i>Кудратов С.М., Фофуржонов А.Х.</i> Инновацион технологияларнинг суд экспертиза фаолиятидаги ўрни	306